

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммадҷон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматқул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммадҷон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оғли

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматқул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

- 1. Rahmonqulova Zarnigor**
DISTOPIK EKZISTENSIALIZMNI INGLIZ YOZUVCHISI UILYAM
GOLDINGNING “LORD OF THE FLIES” ROMANIDA AKS ETISHI.....6
- 2. Усманова Севара**
ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ.....14
- 3. Yusupova Dildora**
SHOIR SO‘Z AYTGANI KELAR DUNYOGA...(Shoira Halima
Xudoyberdiyevaning hayot va ijod yo‘liga chizgilar).....21
- 4. Қўчқорова Садоқат**
ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ.....28
- 5. Мажитова Сабоҳат, Ярашов Шариф**
АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА
«ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ.....35
- 6. Джалилова Зарнигор**
ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР
ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....42
- Лингводидактика**
- 7. Khamzaev Sobir, Gilyazetdinov Eldar**
THE PRINCIPLES OF SPEAKING SKILLS’ FORMATION AMONG
STUDENTS OF LINGUISTIC UNIVERSITIES.....48
- Тилшунослик**
- 8. Boygucheva Lola**
THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN MODERN LINGUISTIC THEORY.....54
- 9. Кобилова Азиза**
ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН
ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....59
- 10. Mamanazarova Gulhayo, Paluanova Halifa**
ISSUES ON OIL AND GAS TERMINOLOGY IN LINGUISTICS.....65
- 11. Melikova Elnora, Abdullayeva Nargiza**
PRIMARY AND SECONDARY PREDICATION.....71
- 12. Saidova Farida**
O‘ZBEK TILI LEKSIK SINONIMLARINING LEKSIKOGRAFIK TALQINI.....77
- 13. Turniyazov Behzod**
FAKTIVLIK ASOSIDAGI KAUZATSIYA.....83

14. Гафуров Бахтиёр АНАЛИЗ ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ АКЦЕНТНЫХ ФОНОВАРИАНТОВ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	91
15. Ибаев Анвар КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	97
16. Исмаилов Тургун ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА).....	103
17. Камолитдинова Вазира ОКСЮМОРОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	111
18. Нигматова Лолахон ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	116
19. Сабирова Ёъзоза ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ.....	121
20. Сулаймонова Нигора ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА.....	130
21. Тўева Зулфия, Юлдашева Дилором БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА.....	137
22. Xolova Muyassar BOYSUN SHEVASI ONLAYN MA'LUMOTLAR BAZASI (QIDIRISH VA SARALASH IMKONIYATLARI ASOSIDA).....	146
23. Abdullayeva Oqila Holmo'minovna O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISH BOSQICHLARI VA MUAMMOLI JHATLARI....	153
24. Abdunazarova Zarina Islomovna THE FORMATION OF SPEECH COMPETENCE.....	146
25. Nilufar Abduraxmonova O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISHDA LINGVISTIK ANNOTATSIYALASH TAMOYILLARI.....	164
26. Shamuradova Naima O'ZBEK VA INGLIZ XALQ MAQOLLARINING QIYOSIY O'RGANILISHI HAQIDA (ASOSIY QISMLARINI QO'LLASH).....	171
27. Яхёева Гулнора Бахтиёровна ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ.....	175


28. Irgasheva Umida INGLIZ TILI DARSLARIDA TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA STEAM TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI.....	179
29. Jumaniyozova Nuriya Axmedovna YURIDIK DISKURS LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	184
30. Khayitova Feruza Abdikhalikovna THE PRACTICAL ANALYSIS OF TOPONYMS IN GREAT BRITAIN BASED ON THE STORY OF A. CONAN DOYLE "THE HOUND OF THE BASKERVILLES".....	188
31. Z. Masodiqova, Sh. Xatamqulova O'ZBEK VA NEMIS MAQOLLARINI QIYOSHLASH.....	193
32. Teshaboyev Dilmurod Rahmadjonovich, Axmadjonova Mohinur Bahodirovna SON SO'Z TURKUMINING BOSHLANG'ICH SINF DARSLIKLARIDA IFODALANGAN SHAKLLARINI AKT ORQALI TUSHUNTIRISH.....	193
33. Maxmurova Mavjuda Halimovna METAFORALAR NUTQ SHAKLI SIFATIDA.....	204
34. Nazarov Rustam Irkinovich THE IMPORTANCE OF PAIR WORK AND GROUP WORK ACTIVITIES IN TEACHING ENGLISH IN TECHNICAL UNIVERSITIES.....	210
35. Saidbekova Raykhona Rustambekovna, Ruzmatova Dilnoza Ramatjonova FAMILY PERSPECTIVES IN THE NOVEL "AND THE MOUNTAIN ENCHOED" BY KHALED HUSSEINI.....	217
36. Алижон Раҳматович Қосимов, Хумора Муҳаммадиса қизи Иминова ТИЛНИНГ БИОПСИХОСОЦИАЛ ОНТОЛОГИК МАҚОМИ МУАММОЛАРИ.....	222

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Кобилова Азиза Бахриддиновна

Бухоро давлат университети тадқиқотчиси,
Инглиз тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси
Email: aziza.kobilova2101@gmail.com

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола шифобахш ўсимликлар ўрнида ишлатиладиган перифразлар таҳлиliga бағишланган. Мақоланинг илмий аҳамияти шундаки, инглиз ва ўзбек тиллидаги тиббий перифразларнинг лингвистик хусусиятлари аниқланганлиги ва илмий қарашлар баён этилганлигида кўринади. Мақолада шифобахш ўсимлик ва гиёҳлар ўрнида ишлатиладиган инглиз ва ўзбек тилларидаги перифразлар таҳлил этилган. Ушбу мақолада келтирилган фикр-мулоҳазалар ўзбек ва инглиз тилларидаги тиббий перифразларнинг лингвистик жиҳатларини ёритишда илмий манба сифатида хизмат қилади.

Калит сўзлар: перифраза, шифобахш ўсимликлар, тил, тилшунослик, ўзбек тили, инглиз тили, тасвирлаш, тиббий лингвистика, тиббий перифраза, публицистика.

Кобилова Азиза Бахриддиновна

Соискатель Бухарского государственного университета,
преподаватель кафедры английского языкознания
Email: aziza.kobilova2101@gmail.com

АНАЛИЗ ПЕРИФРАЗ ИСПОЛЬЗУЕМЫХ ВМЕСТО РАЗЛИЧНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ (НА МАТЕРИАЛЕ АНГЛИЙСКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ)

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена анализу перифразы, используемой вместо лекарственных растений. Научная значимость статьи видится в том, что выявлены лингвистические особенности медицинских перифраз в английском и узбекском языках и высказаны научные взгляды. В статье анализируются английские и узбекские перифразы, используемые вместо лекарственных растений и трав. Взгляды, выраженные в данной статье, служат научным источником при освещении лингвистических аспектов медицинских перифразировок на узбекском и английском языках.

Ключевые слова: перифраза, лекарственные растения, язык, лингвистика, узбекский язык, английский язык, описание, медицинская лингвистика, медицинская перифраза, журналистика.

Kobilova Aziza Bakhridinovna

Researcher of Bukhara State University,
teacher at the Department of English Linguistics
Email: aziza.kobilova2101@gmail.com

ANALYSIS OF PERIPHRASES USED INSTEAD OF VARIOUS MEDICINAL PLANTS (ON THE MATERIAL OF ENGLISH AND UZBEKS LANGUAGES)

ANNOTATION

This article is devoted to the analysis of periphrases used instead of medicinal plants. The scientific significance of the article is seen in the fact that the linguistic features of medical paraphrases in the English and Uzbek languages are revealed and scientific views are expressed. The article analyzes the English and Uzbek periphrases used instead of medicinal plants and herbs. The views expressed in this article are research by scientific representation when covering linguistic services in Uzbek and English.

Keywords: periphrasis, medicinal plants, language, linguistics, Uzbek language, English language, description, medical linguistics, medical periphrasis, journalism.

Биз кундалик ҳаётимизда маълум бир воқелик ҳақидаги ахборотни, шунингдек, шу воқеликка бўлган муносабатимизни, ҳиссий кечинмаларимизни ифодалашда турли воситалардан фойдаланамиз. Воқеликни ифодалашда бир қанча усуллар мавжуд бўлиб, улар коммуникатив интенциянинг юзага чиқишига хизмат қилади.

Чиройли, жозибадор, ёқимли нутқ барча замонларда ҳам дунёнинг барча тиларида ҳам инсон зотини ўзига жалб эта олганлиги, шундай нутқ эгалари халқ орасида воизлар, нотиклар, сухандонлар сифатида қадрланиб келинганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бугунги давр талаби юзасидан ёндашадиган бўлсак, барча касб эгалари ўз соҳасида муваффақиятга эришишни истаса энг аввало, нутқини таъсирлигини таъминлай олиши зарур.

Қадимдан кишилар нарса-ҳодисалар ҳақида шунчаки маълумот берибгина қолмасдан, балки уларнинг муҳим хусусиятларини тасвирлаб, қиёслаб, ўзига хос белгиларини ифодалашга ҳаракат қилишган ва натижада тилнинг тасвирий воситалари шаклланган. Ана шундай воситалардан бири перифразалардир.

Бадиий адабиётларда, публицистика ва яна кўпгина соҳаларда, сўзлашув услубида сўзларнинг қайта ва қайта такрорланиши тингловчиларни зериктириши оқибатида перифразалар тилимизда пайдо бўлган. Перифразалар тилимизнинг луғат бойлигида тайёр ҳолда мавжуд бўлади ва шу боис уларни турғун сўз бирикмалари қаторига киритамиз. Бошқача қилиб айтганда перифраза бу бирон бир сўзнинг иккинчи номланиши ёки такрор қўллашнинг олдини олиш учун бошқача қилиб номланишига айтилади [11, 8164].

Перифраза жаҳон тилшунослигида етарлича тадқиқ қилинган ва турлича таърифланади. Тилшуносликда XX асрнинг 70 –йилларидан бошлаб перифразаларга бўлган қизиқиш ўсди. Биринчи бўлиб В.П.Григорьев тадқиқотларида сўз-образ-денотат муносабатлари нуқтаи назаридан лингвистик муаммо сифатида "поэтик нутқни ҳосил қилишнинг энг ёрқин, қизиқарли ва истикболли усулларида бири" сифатида тасвирланган [5, 122]. Перифразаларнинг экспрессив хусусиятлари, услубий фигуралар ва троплар тизимидаги ўрни ҳамда феъл бирикмали типлари С.Я.Макарова кузатишларида ҳам мавжуд [8, 55]. Бу даврда Ю.Д.Апресян томонидан перифразация моҳиятини очиб беришга қаратилган талқин тилшуносларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Инсоннинг ўзи лингвистик перифразациялаш қобилятига эга. Яъниким, инсоният хоҳлаган нарса (кенг маънода)ни тафаккурида образли ифодалай олиш қобилятига эга бўлади [2, 176].

А.Н.Кожин тадқиқотларида "ҳодисаларнинг иккинчи номлари", нутқнинг экспрессивлигини ошириш воситаси сифатида тақдим этилган [7, 89]. Бинобарин, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб перифразага қизиқиш янада кучайди ва ҳосил бўлиш йўллари, перифразаларнинг мавзувий гуруҳлари, семантик-структур турлари, периферик

бирикмаларнинг типологик тадқиқи [3, 97], ижодкор асарларида перифразаларни қўллаш, диний матнларда перифразаланган бирикмалар тадқиқига алоҳида урғу берилди.

Кэтрин Фукс перифразаларнинг турли даражада бўлиш а) локутив (ахборот бериш); б) прагматик (яъни мақсад ва муайян вазиятда тингловчига таъсирига қараб); в) рамзий (бадий матнларда ҳодисаларни тавсифлашда) усулларини ишлаб чиқди [10, 129], француз тилшуноси Ш.Балли перифразаларга “фикр (жумла)ни такрорлашнинг кенгайтирилган шакли” дея баҳо берган [4, 35].

Яна қатор манбаларда перифраза содда тушунчани қийин усуллар орқали таърифлаш (И.В.Арнольд), бир тушунчани бир неча сўзлар орқали аташ (М.В.Ломоносов), феноменнинг мантикий ифодасини ҳиссий ифодага алмаштириш (А.А.Потебня: “Адабиёт назарияси ҳақида эслатмалар”), образли синоним (А.И.Ефимов), оддий сўзни тавсифловчи бирикма билан алмаштириш (О.С.Ахманова), сўзни кенгроқ ифода этиш (Айтбайұлы Ө.) сифатида тушунтирилади [1, 312]. Парафраза юнонча сиқилган нутқнинг батафсил, кенг тушунтирилгани бўлиб, сўзни бошқа бир сўз билан ифодалаш, бир сўзни изоҳлаш учун сўзларни ўзгартириш [6, 257] сифатида баҳоланади.

Ўзбек тилшунослигида перифразага куйидагича таъриф берилади: перифраза бу борлиқдаги нарса ва воқеаларнинг номини тўғридан-тўғри атамасдан, уларни билвосита, яъни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар билан ифодалаш; мажозий ифодалардан бири, бошқача қилиб айтганда киноя, истиора ва тасвирий ифода атамалари ҳисобланади (масалан, “шеър” ўрнида “хайвонлар шохи”; “пахта” ўрнида “оқ олтин”, Алишер Навоий ўрнида “ўзбек адабий тилининг асосчиси” ибораларининг қўлланилиши). (Қаранг: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/perifraza-uz/>)

Перифразада тасвирланаётган тушунчанинг айни матн ва вазият учун энг муҳим сифати, белгиси, хусусияти биринчи ўринга қўйилади. Перифразанинг асосий вазифаси матннинг ифодавийлигини, баённинг таъсирчанлигини оширишдир, шунинг учун улар асосан бадий адабиёт тилида, публитсистик ва оғзаки нутқда учрайди, илмий нутқда эса тасвирийликдан холи бўлади ва термин сифатида қўлланилади. Сўзлашув нутқида кўп ишлатилиши оқибатида синонимлар билан адаштирилади.

Нафақат публицистик соҳаларда, балки бошқа барча йўналишларда ҳам перифразалар кенг қўлланилади. Шу баробарида, мақолаларда ёки оғзаки нутқда ҳам қайта ва қайта такрорламаслик учун қўлланилади.

Ушбу мақолада турли хил шифобахш ўсимликларни ўрнига қўлланиладиган перифразаларни таҳлил қиламиз. Бундай перифразалар шифобахш ўсимликларга нисбатан қўлланилиб, уларнинг муҳим белги-хусусиятларини образли ифодалашга хизмат қилади. Қуйида ўзбек тилидаги шифобахш ўсимлик ва гиёҳлардан намуналар келтирилган: Табиат юборган “**тез ёрдам**”. Петрушка жигар учун жуда фойдали. Овқатни кўп истеъмол қилганда ёрдам беради. Пешоб ҳайдовчи хусусияти ҳам мавжуд. (“Даракчи”. №51. 20.12.2018. 51-б.)

Мойчечак – **шифочечак**. (“Шифо-инфо” №16. 20.04.2017. 32-б.)

Қоразиркнинг **оппоқ фазилатлари**. 2670 йил муқаддам споол тахтачаларга ёзилган китобларга қараганда, зирк “**қонни тозаловчи**” омил тариқасида қадрланган. Зирк-**дардларга қарши зирх**. (“Шифо-инфо” №16. 20.04.2017. 35-36-б.)

Атиргул мойи – **шифонинг бойи**. Атиргул мураббоси – **дард давоси**. (“Шифо-инфо” №15. 11.04.2019. 34-35-б.)

Тоштикон – **дардларга қалқон**. (“Шифо-инфо” №12. 21.03.2019. 34-б.)

Одамгиёх – женшен тиндирмаси организмни умумий қувватловчи таъсирга эга. (“Доктор пресс” №6. 09.02.2017.41-б.)

Стевия – “**ўзбеклашган гиёх**”. (“Шифо-инфо” №2. 11.01.2018. 35-б.)

Номи аччиқ, шифоси ширин тош. Аччиқ тош халқ табобатида ва тиббиётда азалдан қўлланиб келинади. (“Шифо-инфо” №2. 11.01.2018. 5-б.);

Қадимги хитойлик шифокорлар чучук мияни гўзаллик ва ёшлиқни сақловчи “**Хаёт илдизи**” – женшендан кейинги иккинчи дори деб ҳисоблашади. (“Шифо-инфо” №12. 23.03.2017. 35-б.)

Зиғир – **шимол тилласи**. Чунки у кўплаб шифобахш хусусиятларга эга.

(“Даракчи” №1. 3.01.2019. 42-б.)

Кўзикорин – **хамозик**, ҳам **шифо**. (“Шифо-инфо” №44. 03.11.2016. 40-б.)

Янтоқ – **дардларга тўғаноқ**. (“Шифо-инфо” №3. 18.01.2018. 17-б.)

Мош – **табиб**. (“Шифо-инфо” №7. 18.02.2016. 34-б.)

Ёдватуз – **даволовчи мажмуа**. (“Ташхис” №19. 10.05.2016. 9-б.)

Бош шамоллаганда – **исирик келар давога**. (“Шифо-инфо” №46. 14.11.2013. 19-б.)

Ўзбек тилида Медуница гиёҳи – **ўпка малҳами**. (“Даракчи” №2. 10.01.2019. 44-б.)

Ёронгул (геран) – **ҳақиқий уй шифокори**. Айниқса, онкологик касаллиги мавжуд беморлар учун фойдаси кўп. Уни бежиз **Атиршоҳ**, деб аташмайди. (“Даракчи” №6. 07.02.2019. 46-б.)

Тинчлантирувчи гиёҳлар. Ялпиз, лимонўти, валериана каби гиёҳлар асабларни тинчлантиради. (“Даракчи” №16. 18.04.2019. 42-б.)

Куйида ўсимлик ва гиёҳларга нисбатан қўлланиладиган инглиз тилидаги перифразаларни таҳлил этамиз:

Медуниса гиёҳи жуда фойдали ўт-гиёҳлардан бўлиб, бу гиёҳни куйидагича перифразалаштирилади: “*Pulmonaria officinalis*, common names lungwort, common lungwort, **Mary's tears or Our Lady's milk drops**, is a herbaceous rhizomatous evergreen perennial plant of the genus *Pulmonaria*, belonging to the family *Boraginaceae*” [Қаранг: www.wikipedia.org]. Яъни медуниса гиёҳи халқ орасида “**Mary's tears**” yoki “**Our Lady's milk drops**” номлари билан перифразалаштирилган.

Кейинги мисолни таҳлил этадиган бўлсак, зарчабил ўсимлигини “**healing spice**” яъни “шифобахш зиравор” перифразаси билан қўлланилади. “*Turmeric* itself has also been known to be a “**healing spice**” and has been used to help many ailments” [Қаранг: www.nutritionstripped.com].

Инглиз тилида мойчечакни “**herbal aspirin**” (аспирин гиёҳи) перифразасида қўлланилади: “Described as “**herbal aspirin**”, chamomile is one of the leading herbal remedies worldwide” [Қаранг: www.healthybutsmart.com]. Аспирин дори воситаси бўлиб, бош оғриқлари ва турли оғриқларга даводир.

Ромашка ҳам худди шу дори хусусиятига эга бўлгани сабабли, уни табиий аспирин деб аташади: “How strong is the evidence base behind “**nature's aspirin**”?” [Қаранг: www.healthybutsmart.com].

Бибария ўсимлиги (розмарин) энциклопедияда куйидагича таърифланади: “Known as “**herb of remembrance**”, rosemary also has long been tied to legends and traditions.” [Қаранг: www.newworldencyclopedia.org/entry/Rosemary]. Қадим замонлардан бери бу хушбўй ўт хотирани яхшилаш хусусиятларига эга деб ишонилган. Эҳтимол, шунинг учун бибария адабиётда ва фольклорда содиқликнинг ҳамда, хотиранинг тимсолига айланган. Яна бир бошқа манбада нафақат хотиранинг тимсолига балки дўстлик ва муҳаббатни ҳам тимсолига қиёсланган: Rosemary is traditionally known as **the herb of remembrance and friendship**. Also known as **Mary's mantle** and **compass weed**, rosemary is a lovely, sweet scented, shrubby perennial in Mediterranean countries that can be grown as an annual in Northern climates or as an indoor potted plant [Қаранг: www.gardenmanage.com].

Кейинги мисолда, “**cat's ear**” ўсимлиги ҳақида шундай дейилган: “*Dandelions* are so similar to *cat's ears* (*Hypochaeris*) that *cat's ears* are also known as “**false dandelions**” [Қаранг: www.ricomessanica.com]. Бу ўсимлик момоқаймоққа ўхшаганлиги сабабли уни “**false dandelions**” яъни алдамчи момоқаймоқ деб перифразалаштирилган.

Орегано ўсимлиги “**joy of the mountain**” деб перифразалаштирилади: “With a name derived from the Greek for “**joy of the mountain**” [Қаранг: www.newworldencyclopedia.org/entry/Oregano].

Исмалоқ ўсимлиги барча миллатларда ҳам кенг қамровда қўлланилади. Унинг фойдалари жудаям бисёр, хусусан иммунитетни мустаҳкамлайди. Инглиз энциклопедиясида унга куйидагича таъриф берилади: “The myth about spinach and its high iron content may have first been propagated by Dr. E. von Wolf in 1870, because a misplaced decimal point in his

publication led to an iron-content figure that was ten times too high. In 1937, German chemists reinvestigated this **"miracle vegetable"** and corrected the mistake" [Қаранг: <https://www.plantgrower.org/spinach.html>] Таржимаси: Исмалоқ ва унинг таркибидаги темирнинг юқори миқдори ҳақидаги афсонани дастлаб доктор Э. вон Волф 1870 йилда тарғиб қилган бўлиши мумкин, чунки унинг нашрида нотўғри жойлаштирилган каср ўн барабар юқори бўлган темир таркибидаги рақамга олиб келди. 1937 йилда немис кимёгарлари ушбу "мўжизавий сабзавот" ни қайта текширдилар ва хатони тузатдилар.

Яна бир мўжизавий ўсимликлардан бири бу алое вера гули ҳисобланади. Уни Қадимги Мисрлик "абдийлик гули" деб перифразалаштиришган. Буни куйидаги мақолада келтирилган матндан билишимиз мумкин: "2000 years ago, the Greek scientists regarded Aloe vera as **"the universal panacea"**. The Egyptians called Aloe **"the plant of immortality"**. Today, the Aloe vera plant has been used for various purposes in dermatology" [9, 164]. Бу перифраза кенг қўлланилган бўлиб, бошқа манбада ҳам буни учратишимиз мумкин.

Кейинги мисолда Алое гулини **"plant of immortality"** деб перифразалаштирилган: "According to a study published in the Indian Journal of Dermatology, in ancient Egypt, they called Aloe vera that **"plant of immortality"** [Қаранг: www.medicalnewstoday.com]. Бошқа бир манбада "Nine health benefits and medical uses of Aloe vera" сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада бу гулга "ажойиб ўсимлик" деб аталишини изоҳлаб ўтилган: "Aloe vera, sometimes described as a **"wonder plant"**, is a short-stemmed shrub. Aloe is a genus that contains more than 500 species of flowering succulent plants [Қаранг: <https://www.medicalnewstoday.com/articles/265800>].

Райҳон гиёҳ ўсимлиги барча халқ табобатида фойдали ва шифобахш деб топилгани ҳеч кимга сир эмас. Уни инглиз тадқиқотчилари ўз мақолаларида турли перифразалар билан изоҳлашган. Мисол учун энциклопедияда уни "royal herb" деб перифразалаштирилган: "Basil has a long history of use, being known as the **"royal herb"** in ancient Greece, and employed in various cultures not only for culinary but also medicinal and religious use" [Қаранг: <https://www.newworldencyclopedia.org/entry/Basil>]. Яна бошқа бир манбада **"king of herbs"** яъни шифобахш ўсимликларнинг қироли номи билан перифразалаштирилган: "It is also called the **"king of herbs"** and the **"royal herb"**. The name "basil" comes from Greek βασιλικόν φυτόν (basilikón phutón), "royal/kingly plant" [Қаранг: www.evergetikon.gr].

Ўсимлик ва гиёҳларни ифодаловчи яна қўплаб перифразаларни ҳаётимиз даврида учратамиз. Бундай тасвирий ифодалар сўз бойлигимизни бойитишга ва нутқимизнинг тақдорланишини олдини олишга ўз ҳиссасини қўшади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тилшуносликнинг бир бўлаги ҳисобланадиган перифразалар ҳаётимизда тез-тез учрайдиган ҳодисалардан биридир. Нутқи чиройли, жозибador нотиклар-у ёзувчилардан тортиб оила аъзоларимизгача барча инсонлар, публицистик соҳалардан тортиб то тиббиёт соҳаларигача, ҳатто оғзаки нутқда ҳам, демак барча соҳаларда ва кундалик ҳаётимизда бундай тасвирий ифодалар кенг қўлланилиб келинмоқда. Биз уни гоҳ ихтиёрий ҳолда, баъзан эса беихтиёр нутқимизда ишлатиб қоламиз ва сўзлашиш давомида шундай сўзларни яратамиз. Нафақат тилшунослар, балки ҳар бир инсоннинг ўзи ҳам янги бир перифразанинг муаллифи бўла олади десак ҳеч ҳам хато бўлмайди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Айтбайұлы Ө. Қазақ фразеологизмдері мен перифраздары. Алматы, "Абзал-Ай", 2013, 400-бет.
2. Апресян Ю.Д. Синонимические средства языка и правила перифразирования//Русский язык в национальной школе. 1972. № 3.
3. Базарская Н.И. Вторичная номинация в системе языковых знаков (на материале перифраз английского и русского языков). Автореф. дис... канд. филол. наук. Саратов, 1988.
4. Балли Ш. Французская стилистика. М., 1961.

5. Григорьев В.П. Слово - образ - денотат: К проблеме перифразы // Н.А. Некрасов и русская литература: Тезисы докладов и сообщений межвузовской конференции. Кострома, 1971. С. 122-125.; Григорьев В.П. К проблеме перифразы // Сборник докладов и сообщений лингвистического общества. Калинин, 1974. Т. 4.
6. Даль. В.И. Толковый словарь живого великорусского языка. 3-том, М., 1882, -С. 576
7. Кожин А.Н. Перифрастические построения в языке советской эпохи // Русский язык в школе. 1977. № 4. С. 89-94;
8. Макарова С.Я. Перифраза в современном русском литературном языке (на материале газет) // Содержание и методика преподавания русского языка в средней и высшей школе: Материалы 15-й научно-методической конференции Поволжья. Волгоград, 1972. С. 55-58.
9. ALOE VERA: A SHORT REVIEW. Amar Surjushe, Resham Vasani, and D G Saple 2008; 53(4): 163-166p.
10. Fuchs C. A parafrase linguistica: Equivalencia, sinonimia ou reformulacao? // Cadernos de estudos ling. Campinas, 1985. N 8. P. 129-134.
11. Kobilova A.B. Features of the use of the periphrases of the Uzbek and English languages in journalistic texts. International journal of Psychological Rehabilitation, Vol.24, Issue 07, 2020. – Pag. 8162-8168. <https://www.psychosocial.com/article/PR270794/18979/>

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1